



УРОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАРНИ ТЕКШИРИШ. УМУМКЛИНИК ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

Рўзиматов Ферузбек Акмалжон ўғли

*Фарг'она Жамоат Саломатлиги Тиббиёт Институту
Халқаро факултети Даволаш иши 3-босқич 120-гуруҳ талабаси*

Ибрагимов Обиджон Бахтиёр ўғли


*Фарг'она Жамоат Саломатлиги Тиббиёт Институту
Даволаш иши 4-босқич 33-гуруҳ талабаси*

Аннотатсия: Урологик касални умумий клиник текшириш усули ҳамма вақт врачнинг бемор билан суҳбатидан бошланади. Урология касалларни ўзига хос шикоятлари бўлиб (жинсий а'золарнинг касалликларини) бемор даволовчи врачдан ташқари ҳеч кимга айтмайди, ба'зи вақтларда ҳатто ўзининг врачига ҳам айта олмайди. Шунинг учун врач суҳбат пайтида беморга юқори даражада мулоим муомалада бўлиши керак

Калит сўзлар: касаллик, муаммолар, камқонлик, мушакларнинг учиши.

Оғир буйрак касали билан хасталанган беморнинг умумий кўрувида терининг камқонлиги, юзи ва қўл - оёқларининг шишгани, астсит, уремияда эса эс-хуши йўқолиб, майда томир тортилиши, мушакларининг учиши, хириллаган Куссмаул нафас олиши, кўз қорачиғи торайиб, оғзидан аммиак ҳиди келиши аниқланади.

Айниқса беморнинг туриши ва умумий аҳволига э'тибор бериш керак. Масалан, оғриган томони билан мажбурий - тизза ва чаноқ бўғимларини букиб оёғини танасига яқинлаштириб ётиши паранефритда яллиғланишнинг зўрайишини кўрсатади. Буйрак санчиғида беморнинг аҳволи ўзига хос хусусиятга эга: бемор нотинч бўлиб, тебраниб, ўзига қулай жой топа олмайди. Ба'зида бемор қўлининг турган ўрни, буйрак соҳасидаги оғриқни кўрсатиши ташхисда аҳамиятга эга (И-бобга қаранг). Жигар ёки ўт йўллари касалликларида беморнинг панжалари қовурға ости соҳасида бўлиб, радикулит ёки спондилитда эса бемор кафти билан белдаги оғриқларни кўрсатишга интилади. Буйрак соҳасини кўраётганда унинг икки томонини симметриклигига баҳо берилиб унда шишган, қизарган, шикастланиш белгилари борлиги аниқланади. Сколиозга э'тибор берилади: буйрак касалликларида гавда касал томонга букилган бўлиб, ўткир радикулитда эса гавданинг букилиши қарама-қарши томонга бўлади. Буйракнинг катта ўсмаси бўлса, қоринни кўраётган вақтда унинг асимметриясини, сийдик тутилганда қов соҳасида бўртгани аниқлаб, қориннинг нафас олишда қатнашишга баҳо бериш мумкин. Ташқи жинсий а'золарни текшириш учун беморни ётқизиб ва тик турган ҳолатда кўриш керак. бу пайтда ма'лум ҳолларда тананинг ўзгаришига қараб мойк халтачасининг






катта-кичиклигига, жумладан, чов - мояк халтача чурраси, уруғ тизимча венасининг кенгайганини (варикотселе) аниқлаш имкони бўлади, лекин мояк пардасининг сариқ сувини йиғишда эса бундай ўзгариш бўлмайди. Олатнинг халтачасини очиб, унинг бошини ва кертмакнинг ички эътибор билан кўриш керак. Мояк халтачаси касалликларини (мояк ўсмаси, унинг пардасида сариқ сувни йиғилиши ва бошқалар) ажратиш учун диаафаноскопия қилинади: текшириш қоронғи хонада бажарилиб, мояк халтачасининг катталашган орқа юзасидан ёруғлик манбаси берилади. Мояк пардаси сариқ сувидан ёруғликни бир хил бўлиб ўтиши унинг далили бўлиб ҳисобланади. Мояк пардасида суюқликнинг тиниқ бўлмаслиги (гематотселе, пиотселе) ёки унинг ўсмасида қаттиқ мояк тўқимасининг зичлиги сабабли ёруғлик ўтмайди. Кузатилаётган вақтда сийишнинг одатдан ташқари бузилиши ба'зи бир касалликларни аниқлаш имконини беради. Фимозда сийиш икки давр билан бажарилиши мумкин: аввал сийдик олат халтачасига тушиб, уни анча кенгайтириб, кейин ингичка оқим ёки томчилаб кертмакнинг торайган тешигидан чиқади. Қовуқнинг тўсилиши сабабли (простата безининг аденомаси, сийдик каналининг торайиши) бемор қорин деворининг мушакларини қаттиқ таранглатишига мажбур бўлади, сийдик оқими суст бўлиб, кўпинча бўлиниб, сачраб чиқади. Қовуғида тоши бўлган беморларнинг сийишини ўзига хос хусусияти бўлиб, тошнинг тиқилиб қолиши натижасида сийишнинг оқими вақтивақти билан тўсилиб, қийналиб сийиши давом этади, бемор буни тўғрилаш учун ўз ҳолатини ўзгартиришга мажбур бўлади. Икки ёки уч стакан орқали сийдикни тажриба қилиб кўриш урологик касалликларнинг ташхисида муҳим аҳамиятга эга. Бу тажриба пиурия манбаасини тахминан қайси жойда эканлигини аниқлаш учун қўлланилади. Беморга икки идишга сийишни таклиф қилинади. Биринчисини 50-80 мл сийдик билан, иккинчиси эса қолган ҳамма сийдик билан тўлдирилади. Аввал иккала идишдаги сийдикнинг лойқалик даражасини кўз билан аниқлаб, кейин микроскоп орқали текширилади. Агар лойқаланиш ва лейкоцитлар фақат биринчи қисмида бўлса, яллиғланишнинг зўрайиши сийдик каналида эканлигига тахмин қилиш мумкин: агар шунга ўхшаш белгилари фақат иккинчи қисм сийдикда бўлса, зарарланиш простата безида ёки уруғ пуфакчаларида эканлигидан далолат беради. Йирингни сийдикнинг биринчи ва иккинчи қисмларида бўлиши яллиғланишнинг зўрайиши қовуқда ёки буйракда деб ўйлашимизга имкон беради. Уч стаканли тажрибада агар сийдикнинг икки қисми тиниқ, учинчиси лойқа бўлса, пиурия манбаси простата безидан деб тахмин қилиш мумкин. Бу вақтда йиринг сийдикда сийишнинг энг охирида, чаноқ мушакларининг қисқариши ва простата безининг бўшаш пайтида тушади

ПАЙПАСЛАШ.

Сийдик ва жинсий а'золарни пайпаслаш умумклиник текширишларнинг асосий усули бўлиб ҳисобланади. Беморнинг терисига биринчи бор тегиш унинг






намлигини, ҳароратини ва шишнинг борлигини аниқлашга имкон беради. Қориннинг олдинги деворини пайпаслаганда унинг мушакларини таранглашганлик даражасини аниқлаш мумкин. Беморни бели билан ётган, ёнбошлаган ва тик турган ҳолатларида буйрагини пайпаслаш керак. Қориннинг олдинги девор мушаклари таранглигини бўшаштириш учун бемордан оёқларини чаноқ – болдир ва тизза бўғинларида бир оз букишни, тикка турган пайтда эса олдинга қараб энгашишини илтимос қилинади. Фақат астеник бичимли ва қорин девори юпқа бўлган соғлом кишиларнинг буйрагини бемалол пайпаслаш мумкин



Буйракни перкуссия қилиш Беморнинг пастга тушган ёки катталашган буйракларини ҳам пайпаслаш орқали аниқлаш мумкин. Шифокор пайпаслаётган вақтда беморнинг ўнг томонида бўлиб, юзи билан кроватнинг бош қисмига қараб туради. Чап қўлини қовурғаумуртқа бурчаги соҳасига қўяди. Ўнг қўлининг бармоқларини қовурға ёйининг устига ўрнаштиради. Ўнг ва чап қўл бармоқларини нафас олаётганда яқинлаштириб буйракнинг пастки қисмини аниқлаш мумкин. Чап буйракни пайпаслаганда ўнг қўлини қовурға-умуртқа бурчагига, чап қўлни эса қовурға тагига қўйиб чуқурлаштирилади. Ҳамма беморларни ёнбошлатиб ва тик ҳолатларда худди шу усул билан пайпаслаш мумкин. Бу билан буйракнинг нотўғри жойлашганини ёки унинг пастга тушиб қолганлигини аниқлайди. Гўдакларда айниқса, чала туғилган ва гипотрофияга учраган болаларда, қорин деворининг юмшоқлиги сабабли буйракни осонлик билан пайпаслаш мумкин. Бунга катта ёшдаги кишилар буйрагига нисбатан гўдаклар буйрагининг ҳажмининг катталиги ҳам ёрдам беради.

Боғча ёшида бўлган болаларда буйрак касалликлари билан ўткир аппендитситни дифференциал ажратиш ташхисининг қийинлиги сабабли текшириш олдидан 3% хлоргидрат эритмаси билан клизма қилиш мақсадга мувофиқдир (I- ёшгача 10-15 мл, 2 ёшгача 15-20 мл, 3 ёшгача 20-25 мл). Доридармонлар та'сиридаги уйқу мушакларнинг фаол таранглашиши бўшаштириб, фақат мушакларнинг ҳақиқий ҳимоясини қолдиради.

Жуда кам ҳоллардагина сийдик йўлини пайпаслаш усули билан аниқлаш мумкин. Фақат сийдик йўли катта тош билан тўсилиб ва тош атрофидаги сийдик йўли ҳаддан ташқари қисқарганида, тошнинг турган жойини ва сийдик йўлини бир бармоқ билан пайпаслаш мумкин. Тош турган жойда оғриқнинг энг юқори





даражаси аниқланади. Сийдик йўлини пастки учдан бир қисмини ёки унинг тоши бўлган жойини пайпаслаб топиш, қин орқали бимануал усул ёки орқа тешик билан текширганда осонроқ бўлади

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. . Гузев В.Г., Насилов Д.М. Слово-изменительные категории в тюрских языках и понятие грамматическая категория // Советская тюркология. -1981. - №3. С.23-35.
2. Иванов С.Н. Категория залога в причастии узбекского языка. В книге «Исследования по истории культуры народов Востока» // Сборник в честь академика И.А.Орбели. - М.:Л.,1960.-С.123-134.
3. . Мусулмонова Н. Грамматик шаклларда категориал ёндош ва ҳамроҳ маъно. – Тошкент: Академ нашр, 2012.
4. . Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI-XIII вв.-Тошкент: Фан,1989.-191с.
5. . Нурмонов А., Расулов Р. Ўзбек тили жадвалларда.- Тошкент: Ўқитувчи, 1993. -Б.94.
6. . Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. –Тошкент: Янги аср авлоди. 2001. -164 б

